

725/1454 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ هَذَا الْكِتَابَ، لَمَّا وَجَّهَهُ
إِلَى الْبَحْرَيْنِ:

«بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هَذِهِ فَرِيضَةُ الصَّدَقَةِ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ، وَالَّتِي أَمَرَ اللهُ بِهَا
رَسُولَهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَمَنْ سَأَلَهَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ عَلَى وَجْهِهَا فَلْيُعْطِهَا، وَمَنْ سَأَلَ فَوْقَهَا فَلَا
يُعْطِ:

فِي أَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ مِنَ الْإِبِلِ فَمَا دُونَهَا، مِنَ الْعَنَمِ، مِنْ كُلِّ خَمْسِ شَاةٍ، فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا وَعِشْرِينَ إِلَى
خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ فَفِيهَا بِنْتُ مَحَاضٍ أُتَتْ، فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَثَلَاثِينَ إِلَى خَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ إِلَى سِتِّينَ فَفِيهَا
حِقَّةٌ طَرُوقَةٌ الْجَمَلِ، فَإِذَا بَلَغَتْ وَاحِدَةً وَسِتِّينَ إِلَى خَمْسٍ وَسَبْعِينَ فَفِيهَا جَدَعَةٌ، فَإِذَا بَلَغَتْ - يَعْنِي -
سِتًّا وَسَبْعِينَ إِلَى تِسْعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لُبُونٍ، فَإِذَا بَلَغَتْ إِحْدَى وَتِسْعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِئَةٍ، فَفِيهَا حِقَّتَانِ
طَرُوقَتَا الْجَمَلِ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِئَةٍ، فَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ بِنْتُ لُبُونٍ، وَفِي كُلِّ خَمْسِينَ حِقَّةٌ، وَمَنْ
لَمْ يَكُنْ مَعَهُ إِلَّا أَرْبَعٌ مِنَ الْإِبِلِ فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ، إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا، فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا مِنَ الْإِبِلِ
فَفِيهَا شَاةٌ.

وَفِي صَدَقَةِ الْعَنَمِ: فِي سَائِمَتِهَا إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِئَةٍ شَاةٌ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِئَةٍ
إِلَى مِائَتَيْنِ شَاتَانِ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى مِائَتَيْنِ إِلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِيهَا ثَلَاثُ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِي

كُلِّ مِائَةٌ شَاةٌ، فَإِذَا كَانَتْ سَائِمَةٌ الرَّجُلِ نَاقِصَةً مِنْ أَرْبَعِينَ شَاةً وَاحِدَةً، فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ، إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا.

وَفِي الرَّقَّةِ رُبْعُ الْعَشْرِ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ إِلَّا تِسْعِينَ وَمِائَةً فَلَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا».

725.1454. Анас розияллоху анху шундай сўзлаб берди:

«Абу Бакр у кишини Баҳрайнга юборгач, ушбу мактубни ёзиб юборган: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Бу – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга фарз қилган ва Аллоҳ Ўз Расулига амр қилган фарз закотдир. Бас, бу нарса мусулмонлар ичида кимдан меъёрида сўралса, берсин, ундан тепаси сўралса, бермасин.

Йигирма тўртта ва ундан кам туядан ҳар бештаси учун битта қўй. Йигирма бештага етса, ўттиз бештагача битта бинт махоз. Ўттиз олтигага етса, қирқ бештагача битта бинт лабун. Қирқ олтигага етса, олтмиштагача нор туяга қўйиладиган битта ҳиққа. Олтмиш биттага етса, етмиш бештагача битта жазаъа. Етмиш олтигага етса, тўқсонгагача иккита бинт лабун. Тўқсон биттага етса, бир юз йигирматагача нор туяга қўйиладиган иккита ҳиққа. Бир юз йигирмадан ошса, ҳар қирқтаси учун битта бинт лабун, ҳар элликтаси учун битта ҳиққа. Кимда тўрттадан ортиқ туя бўлмаса, эгаси хоҳламаса, улар учун закот йўқ. Туя бештага етса, бундан битта қўй.

Қўйнинг закоти эса яйловда боқиладиганлардандир. Қирқта бўлса, бир юз йигирматагача битта қўй. Бир юз йигирмадан ортса, икки юзтагача иккита қўй. Икки юзтадан ортса, уч юзтагача учта. Уч юзтадан ортса, ҳар юзтасидан битта қўй. Кишининг яйловда боқиладиган қўйи бир кам қирқта бўлса, эгаси хоҳламаса, улардан закот йўқ. Кумуш тангада ўндан бирнинг тўртдан бири. Агар бир юз тўқсон тангадан бошқа (дирҳами) бўлмаса, эгаси хоҳламаса, бунда ҳеч нарса йўқ».

Манба: hadis.islom.uz



